

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2023 йил октябрь ойининг 24 куни, жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг судьяси З.Жумаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Д.Ўроқовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қарши шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ж.Фармонов, судланувчи У.Бектошев ва унинг ҳимоячиси-адвокат У.Миркабулов, судланувчи Ж.Турдиқулов ва унинг ҳимоячиси-адвокат Х.Нормурадов, жабрланувчи В.Жураевларнинг иштирокида, Бектошев Улуғбек Шавкат ўғли ва Турдиқулов Жойхун Махмаражаб ўғлиларга нисбатан 1-1801-2302/501-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Бектошев Улуғбек Шавкат ўғли (Bektoshev Ulug'bek Shavkat o'g'li), 1993 йил 20 июлда Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 1 нафар фарзанди бор, 2-гуруҳ ногирони, муқаддам судланмаган, ишламайди, Ғузор тумани, “Оқнура” МФЙ, Оқнура қишлоғи, 7-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат қўлланган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 13 сентябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди ва 28,192⁹-моддаси 3-қисми “в” банди билан;

Турдиқулов Жойхун Махмаражаб ўғли (Turdiqulov Joyxun Maxmarajab o'g'li), 1989 йил 15 июнда Қашқадарё вилоятининг Косон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, ишламайди, Ғузор тумани, “Оқнура” МФЙ, Оқнура қишлоғида яшайди, эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат қўлланган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 13 сентябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди ва 28,192⁹-моддаси 3-қисми “в” банди билан айбланган.

Суд, судланувчилар ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Бектошев Улуғбек Шавкат ўғли ва Турдиқулов Жойхун Махмаражаб ўғли билан ўзаро олдиндан жинойий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, Ж.Турдиқуловни “Интер инжинеринг” МЧЖда ишлашидан фойдаланиб, Жураев Воҳид Шониёзовични “Интер



инжинеринг” МЧЖга пора бериш эвазига ишга киритиб қўйишга қизиқтиришиб, Ж.Турдиқулов мансабдор танишлари орқали В.Жураевни ушбу МЧЖга оддий ишчи сифатида ишга киритиб қўйишни маълум қилишиб, уни алдаб, ишончига кириб, ушбу ҳизматлари эвазига 400 АҚШ доллари миқдорида пулларни беришни талаб қилишиб, 29.05.2023 йилда Департаментнинг Қарши шаҳар бўлими, ДХХ вилоят бошқармаси ҳамда вилоят ИИБ ТҚБ ва ИЖҚКБ ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир давомида У.Бектошев В.Жураевдан талаб қилган 400 АҚШ доллари (29.05.2023 йил ҳолатига кўра, 4.600.000 сўм) миқдоридаги пулларни Қарши шаҳрида жойлашган “Умида” чойхонаси биноси ёнида олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланиб, ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритишга қаратилган мақсадлари ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етмасдан қолган.

Қашқадарё вилояти ИИБ ЭКБнинг 30.05.2023 йилдаги 313-сонли хулосасига кўра, У.Бектошовдан олинган 100 купюрадаги 2 дона РВ35799977М ва РВ35799978М серия рақамли пуллар таркибида махсус кимёвий порошок излари борлиги, бу порошок излари тақдим этилган намуна сифатида олинган “Люминофор” кимёвий порошок излари билан кимёвий таркиби ва товланиш хусусиятларига кўра бир хиллиги, У.Бектошовдан олинган 100 купюрадаги 2 дона РВ35799977М ва РВ35799978М серия рақамли пуллар таркибида “Пора-2023” деган ёзувлар борлиги, бу ёзувлар намуна сифатида олинган ва тақдим қилинган махсус қалам намунаси кукунлари билан ёзилганлиги, У.Бектошовнинг ўнг ва чап қўлларида ҳамда шимининг чап ён чўнтагидан олинган суртмаларда махсус кимёвий порошок излари борлиги, бу порошок излари намуна сифатида олинган ва тақдим қилинган “Люминофор” кимёвий порошок билан кимёвий таркиби ва товланиш хусусиятларига кўра бир хиллиги аниқланганлиги кўрсатилган.

Судланувчи У.Бектошев суд мажлисида, айбига иқрорлик билдириб, 2023 йил апрель ойида у билан бир қишлоқда яшовчи “Нурбек” ўзи билан В.Жураевни олиб кетганлигини, В.Жураевни “Интер Инжинеринг” компаниясига ишга жойлаштириб қўйишни сўраганлигини, уларга ушбу компанияда таниши Ж.Турдиқулов ишлашини айтиб, у орқали ишга киритиш мумкинлигини айтганлигини, шундан сўнг Ж.Турдиқуловга телефон қилиб, унга қишлоқдоши “Нурбек” таниши В.Жураев билан бирга уйига келганини уни “Интер инжинеринг” компаниясига ишга жойлашишига ёрдам беришини сўраганлигини, у бошлиқлари билан гаплашиб кўриб кейин жавобини айтишини маълум қилганлигини, шундан кейин В.Жураев унга телефон қилиб иш масаласида гаплашиб қишлоқдоши Ж.Турдиқулов уни “Интер инжинеринг” компаниясига ишга киритиб қўйиш учун 400 АҚШ доллари миқдорида пул сўраганлигини, пулни у олиб қолиши ҳақида айтганлигини, агарда бу пулни олиб қолмаса пулни кундалик эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишини айтганлигини, шундан кейин В.Жураев яна қўнғироқ қилиб 400 АҚШ долларини олиб



қолишини сўраганлигини, унга пулни такси орқали бериб юборишини айтганлигини, бу пулларни бегона таксидан бериб юбормаслигини пулни кўришиб беришини айтганлигини, шундан сўнг 2023 йил 29 май куни В.Жураевга телефон қилиб, “Интер Инжинеринг” компаниясига ишга кириш учун қишлоқдоши Ж.Турдиқулов талаб қилган 400 АҚШ долларини олиб келишини айтганлигини, шу куни В.Жураев билан Қарши шаҳридаги “Умида” номли чойхонасининг ёнида кўришиб, ундан 400 АҚШ долларини олганлигини, у пулни олганидан сўнг уни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланганлигини, содир қилган ҳаракатидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, қарамоғида вояга етмаган 1 нафар фарзанди борлигини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Ж.Турдиқулов суд мажлисида, айбига иқрорлик билдириб, “Интер Инженеринг” компаниясида монтаж устаси бўлиб ишлаганлигини, 2023 йил 30 май куни аризасига асосан компаниядан ишдан бўшаганлигини, 2023 йилнинг май ойида таниши У.Бектошев унга телефон қилиб, В.Жураевни “Интер Инжинеринг” компаниясига ишга киришига ёрдам беришини сўраганлигини, унга В.Жураевни ишга жойлашишига йўналиш беришини айтганлигини, У.Бектошев билан гаплашган вақтида ишга киритиб қўйиш эвазига В.Жураев пул таклиф қилаётганлигини айтганлигини, бу ишга пул билан кириб бўлмаслигини айтиб телефонни ўчирганлигини, шундан кейин 2023 йилнинг май ойида Тошкент вилоятида ишда бўлган вақтида В.Жураев унга телефон қилиб У.Бектошев таниши эканлигини иш бўйича телефон қилаётганлигини айтиб ишга киришига ёрдам беришини илтимос қилганлигини, В.Жураев билан ўзаро гаплашиб унга ишга кириши учун ҳужжатларини топширишга ёрдам беришини айтганлигини, у билан гаплашган вақтида ундан ишга кириши учун пул беришини талаб қилгани йўқлигини, В.Жураев унга ишга кириш учун керакли бўлган ҳужжатларни ташлаб берганлигини, у бу ҳужжатларни “Интер Инженеринг” компаниясини сайтига жойлаштирганлигини, уни ҳужжатларни компания сайтига жойлаштирганидан сўнг орадан бир неча кун ўтиб, В.Жураев унга телефон қилиб иш юзасидан У.Бектошевни Қарши шаҳрига чақиртирганини айтганлигини, у билан гаплашган вақтида унга У.Бектошевни Қарши шаҳрига нима мақсадда чақиртирганини сўрамоқчи бўлганида иш вақтида бўлгани сабабли бу ҳақида гаплашмаганлигини, шундан сўнг 2023 йил 28 май куни қишлоқдоши У.Бектошев билан гаплашган вақтида уни В.Жураев Қарши шаҳрига чақираётганини айтганлигини, нима мақсадда чақиргани ҳақида гаплашмаганлигини, шундан сўнг орадан бир кун ўтиб, унга ўзини Нишон тумани департаментидан чиқишганидан сўнг У.Бектошев В.Жураевдан 400 АҚШ доллари олиб қўлга тушгани ҳақида эшитганлигини, содир қилган ҳаракатидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, қарамоғида вояга етмаган 4 нафар фарзандлари борлигини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.



Судланувчилар У.Бектошев ва Ж.Турдиқуловларнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганлиги, ўзининг айбларига иқрорлик ва пушаймонлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари:

-жабрланувчи В.Жураев суд мажлисида, судланувчи У.Бектошев билан суҳбатлашганида, “Интер инжиниринг” компаниясида ишловчи таниши борлигини 400 АҚШ доллари берса, уни ишга киритиб қўйишини айтганлигини, У.Бектошев унга у кейинчалик таниган Ж.Турдиқулов 400 АҚШ доллари эвазига “Интер инжиниринг” компаниясига ишга киритиб қўйишлигини айтганлигини, ушбу пулни “Интер инжиниринг” компаниясида ишловчи раҳбаариятга бериш орқали ҳал қилишини айтганлигини, ушбу ҳолат ноқонуний эканлиги бўлганлиги сабабли, Департаментнинг Нишон туман бўлимига ариза билан мурожаат қилганлигини, унинг мурожаати юзасидан Департаментнинг вилоят бошқармаси ва вилоят ИИБ ходимлари билан бирга тадбир ўтказиш режалаштирилиб, Департаментнинг вилоят бошқармаси биносида унга 400 АҚШ доллари пулларга ишлов бериб урган беришганлигини, шундан кейин 400 АҚШ долларини олиб, У.Бектошев билан ўзаро гаплашиб Қарши шаҳридаги “Умида” чойхонасини олдида кўришишга келишганликларини, у билан гаплашиб, 400 АҚШ доллари унга берганлигини, шундан сўнг Ж.Турдиқуловга телефон қилиб, 400 АҚШ долларини У.Бектошевга берганлигини айтганлигини, Ж.Турдиқулов ушбу пулни У.Бектошевдан ўзи олишини айтганлигини, шундан кейин ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларини ушбу ҳолат бўйича ишора қилганлигини, улар У.Бектошевни ушлашганлигини, ҳозирги кунда судланувчи У.Бектошев ва Ж.Турдиқуловларга нисбатан даъвоси йўқлигини баён қилиб, уларга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб берган кўрсатуви;

-бундан ташқари, судланувчи У.Бектошев ва Ж.Турдиқуловларнинг айблари, ариза, 2023 йил 29 майдаги пулларни кўздан кечириш, уларга кимёвий ишлов бериш ва ишлов берилган пулни ҳамда диктафон топшириш ҳақида баённома, 2023 йил 29 майдаги ҳодиса содир жойни видеокамера қўлланилган ҳолда кўздан кечириш ва далилий ашё билан ушлаш ҳамда диктафонни қайтариб олиш ҳақида баённома, тушунтириш хатлари, 2023 йил 29 мкайдаги овоз ёзувларини этишиш ва стенограмма қилиш қилиш ҳақида баённома ва унга илова стенограмма, экспертиза хулосаси, ёзма далил деб эътироф этиш ҳақида қарор, ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақида қарор ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатлар мажмуи билан ўз исботини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи У.Бектошев ва Ж.Турдиқуловларнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,192⁹-моддаси 3-қисми “в” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Бироқ, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи У.Бектошев ва Ж.Турдиқуловларнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.



Жиноят қонунчилигида “Жиноят содир этишга суиқасд қилиш – бу қасддан содир этилган жиноятнинг тугалланмай қолиши ёки айбдор истаган оқибатнинг рўй бермаслигидир. Суиқасдда шахс қонун билан кўриқланадиган объектни реал хавф остида қолдиради, лекин объектив ва субъектив сабаблар натижасида жинойи оқибат юз бермайди”, - деб тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25-моддаси 2-қисмида, қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги 17-сонли “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 7-бандида, мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайдан тугалланган деб топилади” деб кўрсатилган.

Зеро, суд фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 455-моддаси бешинчи ва олтинчи қисмларида, суд фақат суд муҳокамасида текширилган далиллар билан асосланиши;

-суднинг ҳукмда ифодаланган барча хулосалари асослантирилган бўлиши лозимлиги;

463-моддасида, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларни текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги;

467-моддасида, айблов ҳукмида суднинг ҳар бир судланувчига нисбатан хулосаларига асос бўлган далиллар ва суднинг бошқа далилларни рад этиш сабаблари ёзилиши ҳақидаги қонун талаблари қатъий белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 07-сонли қарорининг 5-бандида, судлар – ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари кераклиги, ҳукмда, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, экспертларнинг хулосаларига ва тергов ҳаракатларининг баённомаларига,



ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкинлиги тушунтирилган.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, У.Бектошев ва Ж.Турдиқулов билан ўзаро олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, Ж.Турдиқуловни “Интер инжинеринг” МЧЖда ишлашдан фойдаланиб, В.Жураевни “Интер инжинеринг” МЧЖга пора бериш эвазига ишга киритиб қўйишга қизиқтиришиб, Ж.Турдиқулов мансабдор танишлари орқали В.Жураевни ушбу МЧЖга оддий ишчи сифатида ишга киритиб қўшишни маълум қилишиб, уни алдаб, ишончига кириб, ушбу хизматлари эвазига 400 АҚШ доллари миқдорида пулларни беришни талаб қилишиб, 29.05.2023 йилда Департаментнинг Қарши шаҳар бўлими, ДХХ вилоят бошқармаси ҳамда вилоят ИИБ ТҚБ ва ИЖҚКБ ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир давомида У.Бектошев В.Жураевдан талаб қилган 400 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни Қарши шаҳрида жойлашган “Умида” чойхонаси биноси ёнида олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланиб, ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритишга қаратилган мақсадлари ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етмасдан қолган

Ушбу қайд этилган асосларга кўра, суд У.Бектошев ва Ж.Турдиқуловларнинг қилмишларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” бандидан ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми “б” бандига қайта квалификация қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида:

Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

-8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амалга қилишга қаратилиши;

-3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши,



жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи У.Бектошевга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини, айбига иқрор ва пушаймонлигини, оилавий шароитини, қарамоғида вояга етмаган 1 нафар фарзанди борлигини, 2-гуруҳ ногирони эканлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, унинг жиноий ҳаракатида оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, юқорида қайд этилган енгиллаштирувчи ҳолатларни инobatга олиб, унга ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми “б” банди ва 28,192⁹-моддаси 3-қисми “в” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ушбу моддалар санкциясида назарда тутилган жарима жазодан ҳам камроқ жарима жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил жарима жазоси тайинлашни, жарима суммасини у ушбу ҳукмда кўрсатилган жиноятни содир қилган вақтда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқиб тайинлашни, ундириладиган жарима суммасини давлат фойдасига ундиришни, унга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни;

судланувчи Ж.Турдиқуловга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини, айбига иқрор ва пушаймонлигини, оилавий шароитини, қарамоғида вояга етмаган 4 нафар фарзандлари борлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, унинг жиноий ҳаракатида оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, унга ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми “б” банди ва 28,192⁹-моддаси 3-қисми “в” банди билан ҳар иккала модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, жазони мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгилаб берилган жойларда ўтатиришни, унга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топди.

Суд, ёзма далил деб эътироф этилган бир дона дока, бир дона қоғоз бўлагидаги махсус қалам намунаси, бир дона дока матоси, ёрқин сариқ рангли товланиб кўриниб турувчи бир дона дока мато, бир жуфт тиббиёт резина қўлқоплар, сариқ рангли товланиб кўриниб турувчи бир дона дока, ёрқин сариқ рангли товланиб кўриниб турувчи дока матоси, ёрқин сариқ рангли товланиб кўриниб турувчи бир дона дока матосини ҳукми қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилишни, тадбир давомида ишлатилган 400 АҚШ доллари Департаментнинг вилоят бошқармасига қайтарилганлигини қайд қилишни, ашёвий далил деб эътироф этилган



У.Бектошев, Ж.Турдиқулов ва В.Жураевлар ўртасидаги бўлган телефон сўзлашувлари ёзилган 2 дона “DVD” дискни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Бектошев Улуғбек Шавкат ўғли (Bektoshev Ulug'bek Shavkat o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми “б” банди ва 28,192⁹-моддаси 3-қисми “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми “б” банди билан 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 (ўттиз) баравари, яъни 9.900.000 (тўққиз миллион тикқиз юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,192⁹-моддаси 3-қисми “в” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 (ўттиз) баравари, яъни 9.900.000 (тўққиз миллион тикқиз юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил У.Бектошевга базавий ҳисоблаш миқдорининг 35 (ўттиз беш) баравари, яъни 11.550.000 (ўн бир миллион беш юз эллик минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима суммаси давлат фойдасига ундирилсин.

Унга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Судланувчи Турдиқулов Жойхун Махмаражаб ўғли (Turdiqulov Joyxun Maxmarajab o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми “б” банди ва 28,192⁹-моддаси 3-қисми “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми “б” банди билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,192⁹-моддаси 3-қисми “в” банди билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил Ж.Турдиқуловга иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 1 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо ички ишлар органлари белгилаб берган жойларда ўтаттирилсин. Жазо ижросини назорат қилиш Ғузор тумани ички ишлар



органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси зиммасига юклатилсин. Жазо муддати унинг иш ҳақидан белгиланган фоиз суммаси давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Унга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ёзма далил деб эътироф этилган бир дона дока, бир дона қоғоз бўлагидаги махсус қалам намунаси, бир дона дока матоси, ёрқин сариқ рангли товланиб кўриниб турувчи бир дона дока мато, бир жуфт тиббиёт резина қўлқоплар, сариқ рангли товланиб кўриниб турувчи бир дона дока, ёрқин сариқ рангли товланиб кўриниб турувчи дока матоси, ёрқин сариқ рангли товланиб кўриниб турувчи бир дона дока мато ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ёзма далил деб эътироф этилган тадбир давомида ишлатилган 400 АҚШ доллари Департаментнинг вилоят бошқармасига қайтарилганлиги қайд қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган У.Бектошев, Ж.Турдиқулов ва В.Жураевлар ўртасидаги бўлган телефон сўзлашувлари ёзилган 2 дона "DVD" дискни жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози томон, ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчилар ва жабрланувчи эса ҳукм нухасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига апелляция тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

З.Жумаев

